

1 МАЙНИ МУНОСИБ СОВГАЛАР БИЛАН КУТИВ КУТИВ ОЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИ!

ТОШКЕНТ ХЎЖАЛИК ХАЖМАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 85 (3567). | Шанба, 29 апрель 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ХЎЖАЛИК ХИСОБИ — СОВХОЗИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга, моддий рағбатлантиришга охиришга катта аҳамият бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Совхозларни ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисида» деб чиқарган қарори худди шуни назарда тутди. Бу қарорнинг қишлоқ меҳнаткашларига қилган катта таъминоти билан...

рағбатлантиришга катта эътибор берилганлигида. Бу мақсад учун янада рағбатлантиришга 15% ва бошқа шартлар билан қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарорнинг қишлоқ меҳнаткашларига қилган катта таъминоти билан...

билан боқилган қора майда молларни сақлаб туриш совхозга фақат зарар келтиради. Масалан, ҳозир совхозимиздаги 800 бош майда қорамолни яловониз қўл билан боқиб ҳеч ҳам фойда қилолмаслигини ҳамма тушунади. Агар совхозимиз тўла хўжалик ҳисобига ўтса пахтачилликда бош вази фахридорлигини ошириш бўлиб қолади. Турғи, кейинги уч йил мобайнида совхозимиз бўйича ҳозирдаги гектар бошга 4 центнердан кўтарилди. Лекин 22 цент...

ғўза туғул пайкал оралаган одамни ҳам топиб бўлмас эди. Кейинги йилларда янада ўтга қарши олиб борилган тадбирлар дуруст самара бера бошлади, ерлар хийла тозаланди. Илгари ернинг ҳар қарчигини унча қадрамасдилар. Карта четларида мутлақо кераксиз қўшалқоқ ариқлар олинган бўларди. Ҳақиқатда ўт босиб бекор ётаётган лахтак ерлар кўпайиб кетган эди. Биз ҳар йили секин-аста нарта четларидаги қўшалқоқ ариқларни, лахтак ерларни йўқотиб пахтазорга айлантириб бораёلمиз. Бу йилнинг ўзига шундай ерлар ҳисобига пахта майдони 17 гектар кенгайтирилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «СОВХОЗЛАРНИ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ТЎЛА ХЎЖАЛИК ХИСОБИГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРАМИЗ.

қишлоқдаги барча тармоқларни фойда келтирадиган даражага кўтаришни, мустақил план тузиб, уни амалга ошира билишни талаб қилади. Мана ҳозир биз шу тўғрисида ишлаймиз. Бизнинг асосий фикрлар ва мулоҳазалар тўғрисидаги шўр билан ўртоқлашмоқчимиз. Бизнинг хўжалик асосан пахтакор хўжалик, асосий йўналиш шунга қаратилмоғи керак. Лекин бизда хўжалигимизнинг шароитига мос келмайдиган, фойда ўринга экин келтирадиган тармоқлар борки, тўла хўжалик ҳисобига иш олиб бориш лозим бўлган пайтда бунга бошқача ёндашамиз, албатта. Масалан, тўла хўжалик ҳисобига ўтган пайтда қорамолчиликни совхозда сақлаб қолиб бўладими? Бизнингча фақат сўч берадиган 500 бош сизирни, сизирлар соанини тўлдириб туришга яроқли 200 бош майда молларни сақлаб қолса бўлади дейимиз. Чунки бизда ялов йўқ. Қўш миқдордаги қўл...

негиздан ҳосил олиш ўзинини ҳам, бошқаларини ҳам қаноатлантира олмайдди. Бундан ташқари бўлимларнинг ҳосилдорлиги бир хил эмас. Бизни бўлимлар ҳар гектар ернинг қадрига етмиб қўйиб, бошқалар нам даромад олаётди. Масалан, биринчи бўлимда ҳар гектар ердан олинган даромад 653 сўмга етди, холос. Бунга совхоздан 3 центнер нам ҳосил олган учинчи, 1 центнер нам хирмон кўтарган биринчи бўлимлар сабаб бўлди. Улар совхоз даражасида пахта етиштирилганда 400 тонна кўпроқ ҳосил етиштиришга, 200 минг сўм қўшимча даромад қилган бўлар эдилар.

Юқоридаги фактлардан ҳали пахтачиллик соҳасида қилнадиган ишларимиз кўп эканлиги аёнқол учинчи, 1 центнер нам хирмон даромад олиш ўз ўзидан бўлмайдди, албатта. Бу биринчи навбатда деҳқончилик маданиятини оширишни талаб қилади. Маълумки ерларимизни илгари ўт шунақа ҳам босиб кетардики...

Ф. МУТАЛОВ, Урта Чирчиқдаги Киров номи совхоз директори.
Ф. ВОЛКОВ, совхоз бош бухгалтер.
КОН МЕН ГИР, бош экономист.

ТҮРТ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этаётган Тошкент об-ласть ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари меҳнатда катта муваффақиятга эришдилар. Социалистик мусобақани давом эттириш, мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш, ички резервларини ишга солиш туғайли юбилей йилининг дастлабки тўрт ойлик ялпи маҳсулотини бажариш ва маҳсулотларнинг энг муҳим турларини тайёрлаш планини муддатидан унумли равишда тўла бажаришди.

МУСОБАҚА ГОЛИБЛАРИ

Бу йил Тошкентдаги саноат корхоналари пиландан ташқари қарийб би миллион сўмлик маҳсулот берадилар. Булар — пулат қўйилма ва бронзабел, экскаватор ва тракторлар, газлама ва трикотаж, қўпгина бошқа маҳсулотлардир. Бу муваффақиятларга май олдди мусобақасида эришилди.


Биринчи квартал якулилари бўйича социалистик мусобақада Киров райони голиб чиқди. Бу район коллективига Тошкент шаҳар партия комитетини ва шаҳар ижроия комитетининг Қўшма Қизил байроғи топширилди. Фрунзе ва Чилнозор районлари саноат ва транспорт корхоналарининг яхши ишлаганилиги қайд қилинди.

Қурилиш трестлари ва бошқармаларининг 49 корхона ва ташкилоти шаҳар ҳурмат тахтасига эвазиди. Зилзила оқибатларини тугатиш учун Тошкентга келган қурилиш ташкилотлари биринчи марта шаҳар ҳурмат тахтасига эвазиди. Булар — Тошкентдаги Главоомстрой қурилиш бошқармаси ва Литва ССР қурилиш-монтаж поведидир. (ЎзТАГ).

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Тошкентдаги 2-ун комбинати коллективини юбилей йилида экинчи месига юксик мажбуриятлар олиб ишляпти. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўн ойлик планини 20 октябргача, йиллик топшириқни эса узоғи билан 20 декабргача бажаришга аҳд қилишган. Шу кунларда ҳаммамизнинг фикри-хаёли ана шу ваҳданинг тўла уладасидан чиқишига қаратилган. Бунинг учун берча Ҳақ ва уласткеларда социалистик мусобақа авж олаётди. Мавжуд резервлар аниқламоқда ва ишга солиномоқда. Натيجода беш йиллик иккинчи йилининг дастлабки квартални плани анча ортти билан адо этилади. Пиландаги қўшимча экин миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

Утган уч ой ичиде ассортимент бўйича ҳам топшириқ бажарилди. Белгиланганидан ташқари 2 минг 850 тонна уч, 3343 тонна комбикорм, 83 тонна термидиқ ишлаб чиқарилди. А. КИМ.



ТЕЖАМКОРЛАР

Халқимиз тежовлик иш бежовлик деб бекор айтаман. Ҳақиқатан ҳам тежамли ишлаган кўп нарса ютади. Меҳнат ба-ранали бўлади. Бундай ишдан ўзи ҳам моддий манфаат кўради. Шунинг учун Тошкент йўл дистанциясининг ишчилари ил-ложни борича маблаг ва материалларни иқтисод қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун ҳар бир имкониятдан фойдаланиш-япти. Болт, гайка ва бошқа шу сингари «арзimas» деталларининг ҳам бекор сарфланганига йўл қўйилмастлар.

Нўл дистанцияси устахонаси коллективини ҳам яроқсиз излардан турли деталлар тайёрлаш-ни йўлга қўйди. Илгари эса деталлар фақат янги қўлатдан ясаларди. Бу тадбир туғайли йил бошидан бери беш тоннадан ортти кимматбаҳо бўлат тежаб қолиди.

Сирдарё дарёси қирғоқларини мустаҳкамлаш учун 250 кубометр ҳажмидаги ҳарсан тошни шу ернинг ўзига тайёрлади. Аслида эса у Қоровулбозор қарьеридан қазиб олинишни керак эди. Шундай қилинганда ҳар кубометр учун етти сўм сарфланган бўлув эди. Бригадининг тақлифи натижасида унинг кубометри 2 сўм 40 ти-нинга тушди. Фақат шу ҳисобдан 1200 сўмга яқин дав-лат маблағи тежаб қилинди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари!
Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун курашда янги ютуқлар билан нишонлайлик!
КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакирларидан

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ГРЕЦИЯ ҲУКУМАТИГА БАЁНОТИ

28 апрелда СССР Ташқи Ишлар министри А. А. Громико Грециянинг Москвадаги элчиси Г. Варса-нига қуйидаги мазмунда баёнот берди:

«Совет Ҳукумати Грециянинг атоқли жамоат арбоби, халқаро прогрессив ҳаракатнинг атоқли ар-боби Манолис Глеосдан ўч олиш-га тайёргарлик кўрилатганлиги тўғрисида чет эллардаги кўпгина манбаалардан ахборот олди. Глеоснинг номи ва унинг фао-лияти бутун прогрессив инсоният-га тегишлидир. Унинг фашизмга қарши оғир уруш йилларидаги ҳиз-мати, унинг янги уруш ҳар-фиқи қарин, халқлар ўртасидаги тинчлик учун курашидаги фаолияти ҳақида маълумдир.

«Совет Ҳукумати номидан шун-и айтишни истардимки, Манолис Глеосдан ўч олиш ва унинг ҳаё-тини ҳавф остига қўйдиган ҳар қандай ҳаракат совет халқининг ва, қатъий ишонимизки, жаҳонда-ги барча тинчликсевар ва демо-кратик кучларнинг қаҳр-ғазабини уяғотган бўлар эди. Совет Ҳукумати ақл-идрок ва вақтинлик устуни келди ва грек ватанпарвари Манолис Глеос ҳаё-тига таҳдид солувчи ҳеч қандай ҳаракатга йўл қўйилмайдиган, деган ишонч изҳор қилишни истар эди. Биз Греция ва грек халқининг дусту сифатида бундай баёнот бермоқдамиз. Биз Совет Иттифоқи билан Греция ўртасидаги муноса-батларга ҳеч нарса дор туширмас-лигини истаймиз. Бизнинг бу қа-димидаги Греция ҳукумати тўғри тушунади, деб ишонч билдираемиз. Маскур баёнот мазмунини дар-ҳол Греция ҳукуматида етказиши-ни илтимос қиламан.

МАКТАБ ИШИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

МАКТАБЛАР ВА БОЛАЛАР ҲАҚИДАГИ ТАЙЕРЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

МАКТАБЛАР ВА БОЛАЛАР ҲАҚИДАГИ ТАЙЕРЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

МАКТАБЛАР ВА БОЛАЛАР ҲАҚИДАГИ ТАЙЕРЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

МАКТАБЛАР ВА БОЛАЛАР ҲАҚИДАГИ ТАЙЕРЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Мақтабларда ўқишлар туғаб, ўқувчиларнинг ёзи қанқилга чиқарилиши ҳали бор. Ажмо, мақтабларнинг жонкуярлари бўлган Бекобод шаҳри корхона-лари, қурилиш ташкилотлари ва муассасалари ҳозирдан янги ўқув йилига тайёргарлик кўри-ши ишларини бошлаб юборди-лар.

Бундай яхши традиция бош-ланганига мана бир неча йил бў-дди. Эндликда Совет ҳоким-иятининг ярим асрлик юбилей йилида бекободликларнинг бу ҳаракатлари кенг қулоч эди. «Мақтабларни ва болалар му-ассасаларини 1967 йилининг 10 июлигача тахт қилиб қўямиз!» Бу, Бекобод шаҳар партия, со-вет ва жамоат ташкилотларининг, халқ маорифи бўлими ва мақтаблар раҳбарларининг қатъий ишонига айланган. Мақтабларни янги ўқув йилига ҳар томонлама тахт қилиб қўйиш осон иш эмас. Бу кўп меҳнат талаб қилади. Шунинг учун ҳам шаҳардаги корхоналар ва ку-рилиш ташкилотлари ўз оталиқ-ларидаги мақтабларга ҳар то-монлама ёрдам бериш юзасидан мажбуриятлар олдлар. Ўзбекистон металлургия заводи ҳозир шаҳардаги 2, 15, ва 16-мақтаб-ларни шунингдек ишчи-ёшлар кечки мақтабини, ҳамда унча болалар богчасини ўз оталиғига олган. Заовд шу болалар муас-сасалари биноларини ҳар йили сифатли ремонт қилади. Янги ўқув устахоналари қуришда ҳам корхонанинг ёрдами катта бўла-пти. Ўқув кабинетлари ва спорт майдончаларини жиҳоз-лаш, мақтаблар ва болалар бог-чалари ҳовлиларини ободонла-штириш ишлари билан ҳам яқин-дан ишугуланимоқда. Езги ка-миқда даврида «Металлург» ла-герига 600 ўғил-қиз дам олади.

Шу билан бирга корхона ёзи соғломлаштириш майдончаларини жиҳозлашни ҳам ўз зимма-сига олди. Шаҳардаги цемент комби-нати мақтабларга қўрсатди-ган ёрдами ҳам катта. Бу корхо-на оталиғидаги 1-мақтаб педа-гогик коллективни комбинат ма-муриятига мувожаат этиб, синф-хоналарга яхши ёруғлик бера-диган лампалар ўрнатилишни ил-тимос қилди. Уларнинг бу тақ-лифи бажонидил қабул қилин-ди. Болалар техника ижоди ту-гарига раҳбарлик қилиш учун комбинат мутахассис ажратди. Шунингдек, комбинат ишчи-ёш-лар мақтаби ва спорт мақтаби биноларини ремонт қилиб бера-ди. Цементчилар шаҳарчасида-ги пионер лагерини жиҳозлаш-ни ҳам корхона ўз зиммасига олди. «Строитель» лагерига 600 бола ёз таштини суради.

«5-мақтабга 1 сентябргача сабабот сақланадиган оғир куриб берамиз: 13-мақтаб ўқув-чилари қатнайдиган Оқ булоқ анхори устига йўлга ўрната-миз; 15 августгача иккита мақта-бининг ҳар бирига 320 ўқувчи-га мўлжалланган синфхона ку-рилади». Бу, шаҳардаги 704-УНР коллективининг қатъий аҳ-дидир. Фарҳод ГЭСи коллективни ҳам халқ маориф ходимларига яқиндан қўмақлашди. Бу кол-лектив кучи билан меҳмонхона биносини 7-мақтабга қўшиб бери-лади. Бинони синфхоналарга мослаб қайта жиҳозлаш ишлари 1 августгача тугалланди. Бола-лар богча-яқисини ёнги 90 ўғил-қизга мўлжалланган қўшма-хоналар қурилади. Бу муассаса

инвентарлар билан етарли миқ-дорда таъминланади. Ҳимматли ишга қўл урган темир-бетон буюмлари заводи, «Цемент» ташкилоти ва йишт заводи таксомотор парк, ремонт қурилиш контораси ва бошқа корхона ва ташкилотлар ҳам янги ўқув йили олдидан қарор ишларини амалга ошира-дилар. Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилей йилида шаҳар халқ маорифи ходимлари ҳам кўпгина ишлар қилдилар. Так-сомотор парк коллективини бил-дан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ўқишга қатновини тартибга со-лиш юзасидан тадбирлар белги-ланди. Узоқ жойларда яшовчи ўқувчиларнинг ўқишга ўз вақ-тида етиб келишларини таъмин-лаш мақсадида автобус қатнови йўлга қўйилди. Шу билан бир-га мақтабларга 90 та кўчи узай-тирилган гуруҳлар ишляди.

1967 йил 27 апрелда Совет Иттифоқида Ерининг навбатдаги сунъий йўдоши «Космос-156» учирилди. Йўдош ичига 1962 йил 16 марта ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўдош мўлжалдаги яқин параметрларга эга бўлган до-навий орбитага қийариб қўйил-ди: дастлабки айланиш даври 97 минут, Ер юзасидан узонла-шуви салкам 630 километр. Ор-

битанинги оғиши 81,2 градус. Йўдошда илмий аппарат-лардан ташқари орбита эле-ментларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, приборлар ва ил-мий аппаратларнинг иши тўғри-сидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радио теле-метрич система бор. Йўдошга ўрнатилган аппа-ратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш — ҳисоблаш маркази олинаётган маълумот-ларни ишлаб чиқмоқда.

ТАСС АХБОРОТИ „КОСМОС-156“ НАРВОЗДА

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ХОДИМЛАРИ ВА АКТИВЛАРИ! ХАЛҚ ХУЖАЛИГИДА ДАВЛАТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН, ИҚТИСОД ҚИЛИШ ВА ТЕЖАМ-КОРЛИК УЧУН КУРАШИНГИЗ! МЕХНАТКАШЛАРНИ КОНТРОЛЬ ИШИГА КЕНГРОҚ ТОРТИНГИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май қақриқларидан

Халқ Контроли АМАЛАДА

№ 4 (54)

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

БАЗАДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Бундаги колхозларро бурдоқчилик базаси бундан беш йил илгари ташкил қилинган эди. Ушунда базанинг ривожланиши кўзда тутилди, район матбуот жамоатига қарашли паррандачилик фермасининг парранда-инкубатор ва бошқа химматбоҳ механизмлари база ихтиёрига берилган эди.

— Колхозлар билан алоқани мустаҳкамлаймиз, гўш этиштиришни йўқайтиришга муносиб ҳисса кўшамиз, — деб ваъда беришган эди база раҳбарлари.

Ҳўш, улар бу ваъдаларининг улдасидан чиқдиларми? Тўғри, дастлабки несларда иш бирмунча мўнлангандай бўлди. Бўрдоқига боқиб ишларини яхши йўлга қўйиш учун баъзи тадбирлар қўрилди. Лекин кейинчалик база мустақил хужаликка айлانган ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Кейинги икки йил ичнда база район колхозлари билан ишларини бурдоқига боқиб бўйича ҳеч қандай алоқа ишларини олиб бермади. Молиявий аҳвол чатоқ, оборот маблағлари етишмади. Дебиторлик қарзлари кўпайиб борапти. База рентабель иш олиб бормалпти. Бу ерда йилдан-йилга қорва моллари махсулдорлиги пилани бажарилмади. Биринтилан экин майдонларидан жуда кам ҳосил олинди.

Ветеринария ишлари, молларни паразитириш қилиш талабга жавоб бермади. Шу тўғрисида ҳам махсулдорлик пилан. Утган йил пландаги 525,8 центнер ўрнига 272 центнер тиркил вазидаги чўча на гўшти етиштирилди. Гўшта топирилан ҳар бир чўчанинг оғирлиги 66,5 килограмм бўлди. Ахир бунин нормал ҳол деб айта оламизми? Энг ачинарлиги шунданки, утган йил давомида бурдоқчилик базаси давлатга бирорта ҳам парранда топиригани йўқ. Тухум этиштириш пилани ҳам оқсаб нелмонди.

Базада ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилган эмас. Моллар етарли рациондаги озуқа билан қўйилмади. Шу тўғрисида уларнинг семирishi кўнгилдангиде бўлмаптир. Уларнинг ҳаммаси махсулот таннарининг қиммат бўлишига олиб нелмонди. Утган йил бир центнер гўшт пландаги 153 сўм ўрнига 363 сўмга тушди. Хўжаликда ишчилар, чорвадорлар меҳнатидаги ҳақ тўлаш системаси ҳам тартибга нелтирилмаган. Чўчабоқарлар, паррандабоқарлар маш ҳисобидан ҳақ олмадилар. Моддий манфаатдорлигининг йўқлиги ишга бўлган қизиқишни пасайтирмоқда, албатта. База 1963 йилда 22,1 миң сўм фойда елтириши ўрнига 6,9 миң сўм зарар кўрди. Утган йил эса пландаги 38,4 миң сўм ўрнига атиги 2 миң сўм даромад олди.

Базадаги ана шу намчилик ва тартибсизликлар халқ назоратчилари томонидан очиб ташланди. Халқ назоратчилари бу ердаги аҳволни яхшилаш юзасидан юқори ташкилотларга ўларининг тақлиф ва мулоҳазаларини ёзиб юбордилар.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ

ЯХШИЛАНСИН

Транспорт хизматидан баҳраманд бўлмаган одам топилмади. Намунали транспорт хизмати сезиниши тўғрисида битиршига ёрдам берди. Об-ластадаги автомобил хўжалиқларининг коллективлари кейинги йилларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан бирмунча ишларни қилдилар. Лекин умуман олиб қараганда об-ластадаги автомобил транспорт хизматининг ўсиб бораётган талабларига жавоб бермади. Кейинги уч йил ичнда шахарларда пассажирлар

ташиш атиги 1,3 баравар ўсибди. Шахарлардаги мавжуд 21 маршрутда қатнашган 155 автобус пассажирларини ташиб улгурмаптир.

Ҳозир амалда бор бўлган маршрут тармонлари айрим минорайонлар ва турар-жой массивларини қамраб олмади. Кўп жойларда автобуслар қатнови графикага риол қилинмади. Техник сабабларга кўра жуда кўп автомобиль бекор туриб юрмоқда. Контроль ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Шу сабабни ҳам сезилмаётган билетлар билан тушадиган пул орасидаги фарқ анча-мунча бўлади.

Шунингдек об-ласта автотresti залас қисмларини ўз вақтида етказиб бермади. Биринчи, иккинчи ва ўчинчи авторемонт заводларида ишнинг сифатига яхши эътибор бермайдилар. Шунинг учун ҳам напиртал ремонтдан чиққан машиналар кўп ўтмай яна бузилиб қолади.

Йилда ана шу масала об-ласта халқ контроли комитети мажлисида муҳокама қилиниди ҳамда намчиликларни бартараф қилиш, барча шахар ва кичиклоқларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни намунали йўлга қўйиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН

Ваъда вафоси билан, қарор ижроси билан кучли. Оққўрғон район халқ контроли комитети иш таърибасини ўрганиш шунинг юзасидан, бу ерда комитет ўзи томонидан чиқаришган қарорларнинг ижроси, тақлифларнинг жорий қилиниши юзасидан бирмунча ишларни амалга оширган.

Утган йил район халқ контроли комитети томонидан ўтказилган текширишларнинг кўпчилиги район партия комитетига, юрганлари эса район ижроия комитети мажлисида кўриб чиқилди. Муҳокама даврида кўпгина фойдалан тақлифлар, қарорлар қабул қилиниб, улар амалга оширилди.

Бу текширишлар ниямлардан нборат бўлди? Халқ назоратчилари асосий динчат-эътиборини дала ишларининг сифатли боришига, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишига қаратдилар.

Хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш масаласи ҳам назоратчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Хусусан «Гулстон» колхозида чорва оқсабганлиги аниқланди. Бу масала районийнинг мажлисида муҳокама қилинган, колхозда чорвачиликни яхшилашга қаратилган чора кўрилди. Ферма мудири қилиб, мухтаassis ишни таъинланди. Бошқарманинг зоотехники ҳам шу колхозга ишга юборилди.

Бироқ халқ контроли комитети қабул қилинган қарор ва тақлифларнинг тўла бажарилишига эриши олапти, деб айта оламизми. Комитет ҳамавайт ҳам қатъийлик билан иш кўрмади. Халқ назоратчилари районда чорва моллари ва йирин шохли юрмоқлар туғини кўпайтириш юзасидан муҳим текшириш ўтказган эдилар. Текширишда анча-мунча намчиликлар очилди. Лекин афсуски, ана шу текшириш материаллари муҳокама қилинмай қолди.

Халқ назоратчилари районда савдо хизмати кўрсатиш, ошхоналар ишини ташкил этишига доир муҳим намчиликларни аниқлаган эдилар. Лекин назоратчилар томонидан берилган сигналларнинг натижаси ҳалигача оқибатсиз қолмоқда.

Об-ласта халқ контроли комитети Оққўрғон район халқ контроли комитетига штатсиз бўлимлар ишини юмалантириш, қабул қилинмаган қарорларнинг бажарилишини доимо назорат қилиб бориш вазифасини топширди.

ҚИММАТЛИ ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорлик юзасидан оммавий кўриқ ўтказиш тўғрисидаги қарори» эълон қилинганидан буюн уч ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Чирчиқ саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари бу кўриқда актив қатнашмоқдалар.

Йилда кўриқнинг дастлабки босқичи — биринчи квартал натижалари яқунланди. Шу давр ичнда комиссиялар 669 та тақлифни рўйхатга олдилар. Бу тақлифларнинг 484 таси ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун танлаб олинди ва 232 таси ҳозирнинг ўзидега амалга оширилди. Жорий қилинган тақлифлар 47,2 миң сўмдан ортиқроқ маблағни иқтисод қилиб қолдиш имконини берди.

Ҳар ерда, ҳар соҳада иқтисод қилиниши — Тежамкорларнинг шiori ана шундай. Тўшаётган тақлифларга назар ташлар эканми, чиндан ҳам халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун астойдил кураш бораётганига гувоҳ бўламиз. Қуришда инеолар фирмизининг дадилдир.

Биринчи квартал мобайнида 1142 тонна шартли ёнлиги, 9 миллион 618 миң киловатт-соат электр қуввати, кўп миқдорда иссиқлик энергияси, 234 тонна қора прокат ва бир тоннага яқин ранган металл, 19 тонна зангламайдиган пўлат, 38 кубометр ёғоч, 36 квадрат метр йилма темир-бетон, 695 метр пўлат қувурлар ва жуда кўп бошқа хил материаллар тежаб қолди.

Маълумки, Марказий Комитет қарориди халқ назоратчиларини иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун курашининг олдинги сафларида боришга даъват

этиландилар. Шаҳар контроли комитети оммавий кўриқ давомида назоратчилар учун бир неча бор тематик семинарлар ташкил этди. Кўриқ комиссиялари раисининг ўринбосарлари — халқ контроли гуруҳларининг раислари учун соҳалар бўйича семинарлар уюштирилганлиги яхши самара берди. Яна шу нарса ювончилиги, иқтисод қилиш ва тежамкорликка қаратилган қимматли тақлифлар билан чиқайтган ишларнинг кўпчилиги актив назоратчилардир.

160-кўриқнинг трестининг старший прораби, шахар халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори, А. Никитин яхши тақлиф киритди. У бранча чиқариб ташланган қувурлардан айрим жойларда қайта фойдаланиш мумини деган қарорга келди. Шу тақлиф эвазига 695 метр қувур иқтисод қилиб қо-

линди. Прораб И. Ходарев телолтрасса узунлигини қисқартриш ҳақида тақлиф киритди. Шу ҳисобдан 4 миң сўмлик маблағ тежаб қолмади.

«Чирчиқсельмаш» заводи елсарлари В. Ведущенко ва Г. Лидев кўрак теридинг машиналарининг деталларини тайёрлашни тақомиллаштирилди. Корхона биринчи шу тақлиф тўғрисида 2150 сўм тежаб қолди.

Шаҳримизда иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун кураш қилиниши бормоқда. Чирчиқликлар бу йил юбилей йилида халқ хўжалигида 1,5 миллион сўмлик маблағ тежаб қолдишга сўз беришган. Тиниб-тинимас, жонқуяр назоратчилар бу ишда ҳам ибрат қўрсатмоқдалар.

В. ДАВИДОВ,
Чирчиқ шахар халқ контроли комитетининг раиси.



Пойтахтдаги 2-пайфааз фабрикасида баҳоринг-ёзги эриқлар пайфаазли чиқарила бошланди. Корхона халқ назоратчилари тайёрлаётган пайфаазлар сифатини назоратларига олишган Сурадат: смена бошлиги С. Ҳайитов ва техника контроли бўлими ходими М. Тоқибоев ўрғонлар конвейердан чиққан пайфаазлини кўздан кечиришмоқда.

Н. Муҳаммадҷонов фотоси.

Жамоатчилик қабулхонаси

Халқ котроли кўн сонли назоратчилар, штатсиз инспекторлар ёрдами билан кучли ва таъсирли. Кенг халқ оmmas билан унинг алоқаси қишлоқлик мустаҳкамликка, қабулхоналар қишлоқлик яхши ишлаб, меҳнаткашлар ҳоқини чиқарса, контролнинг обрўйи шунчалик ортиб, унга ишонч кўпайверди.

Шу жиҳатдан қараганда Паркентдаги жамоатчилик қабулхонасининг ишлари диққатга сазовор. Қабулхона меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларини қабул қилиш, ўрганиш, йўл қўйлаётган камчиликларини йўқотишда район халқ контроли комитетига катта ёрдам қўрсатмоқда. Унга шахсий пенсионер, Совет Интиқдоғи Қарамоғи Л. Сибатулини раислик қилапти.

Қабулхонада махсус дафтар бор. Унга қабулга келган кишилар, хатлар ва аризалар қайд қилиб борилади. Шу йилнинг уч ойи ичнда жамоатчилик қабулхонаси ёма равишида еттига шикоят ва оғзаки равишда 19 та сигнал олди. Уларнинг ҳаммаси билгиланган муҳлатда текширилиб, чора кўрилди. Текшириш натижалари қонда тариқасида комиссия мажлисида ёки район халқ контроли комитетинида муҳокама қилинади.

Комиссия ҳар кварталга мўлжалла тузилган план асосида ишлайди. Ўтказилган тадбирларнинг ҳаммаси қўйлашга ёниб борилади. Қабулхонанинг элига ҳамшира очиб, унда комиссия аъзолари гафмагадан навабчилик қилинади.

Об-ласта халқ контроли комитети Паркентдаги жамоатчилик қабулхонасини фаолиятини ўрганиб чинди ва бу таърибни бошқа жойларда ташкил этилган қабулхоналарда ҳам қўлланишни мақсадга мувофиқ деб топди. Район халқ контроли комитетларининг раисларига паркентликлар таърибни асосида маҳаллий шароитга мослаб ана шундай жамоатчилик қабулхоналари очилиши тасвир этди.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Ҳозир район колхозларида қў-халқ манфаатига қанча эиёи ет-зилятиш кампанияси охиради. Аҳолига кўпроқ гўшт, сифатли жуи етказиб бериш иштиёқи билан меҳнат қилаётган илгор чўпонлар ўз отарларидаги ҳар юз бош совлиқдан 105—110 ва ундан ҳам ошириб қўзи олдилар. Бундайлар «Лениннинг пути» колхозидан ҳам бор.

Лекин бу ерда ўзига ишониб топширилган ишга масъулиятини чўқур ҳис қилган ҳолда муносабатда бўлмаган чорвадорлар ҳам йўқ эмас экан. Халқ назоратчилари томонидан яқинда ўтказилган текширишда баъзи бир чўпонларнинг «сирлари» очилиб қолди. Улар кў-халқ назоратчиларини раёндаги кўзиш учун қорали ташкилотнинг тўғрисида 59 қўзи ноқуд бўлибди.

Халқ назоратчилари томонидан ўтказилган бу текшириш якуналари яқинда колхоз партия ташкилотининг мажлисида муҳокама қилинди. Бу ерга айбдорлардан кўпчилик фермаси бригадари Ким Владимир ҳам келган эди.

— Агар сиз, — деб айтишди халқ назоратчилари Владимирга, — янги тутилган қўзиларни ҳидоба олин, уларни асраш, боқиб туғрисида яхши гамхўрлик қилганингизда эди, бундай қўзисиз ҳодиса рўй бермасди. Афсуски, сиз шундай қилмагансиз. Биласизми, бу масъулиятсизлик билан

Колхозда қўзилатиш ишларининг қандай йўлга қўйилганини яхши назорат қилиб бормаганлиги учун ветеринария врач Хаан Владимир, зоотехник Илим Константиновларга ҳам жазо берилди.

Халқ назоратчилари райондаги «Ўзбекистон». Қалинингомлик колхозларининг отарларида ҳам бўлилар. Ана шу хўжалиқларда янги тутилган қўзиларнинг кўпи номерлаштирилмаганлиги маълум бўлиб қолди. Бу ҳақда колхоз правленеисига хабар қилинди. Ушбу масала район халқ контроли комитети мажлисида ҳам кўриб чиқилиб, қўзиларни ҳисоб-китоб қилишига бепарво қараган чўпонлар қаттиқ огоҳландирилди.

Назоратчиларнинг гайрат шижоати тўғрисида яна кўпгина фойдалан тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар ҳар соҳада коллективларга кўмакдош бўлмоқдалар.

М. ТУРСУНОВ,
Юқори Чирчиқ район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.


Назоратчи дала кезади

Мирали ўз звеносида ишнинг боришидан хурсанд. Ҳамма ерга чигит маромида эниб олмади. Кунинче қўшни бригадалар келган мўсабақдошлар унинг ишига тан беришди. Қойил-эй, деб айтишди улар, бирон қарич ер ҳам бекор қолмади. Олди қарталларда эса чигит ниғоси оша бошлади.

Ана шундай пайтда Мирали ичидан қувонса, иккинчи томондан назоратчилар билан бўлиб ўтган ўша нунги воқеани эслаб, бироз хижолат тортади. Яхшиям улар, ўша вақтда хушерлини кўрсатишди, деб кўнгилдан ўтказди у. Бўлмаса...

Вақт пелшидан оққан эди. Халқ назоратчиларидан Аҳмадجان Делимов агротехника кенгаши аъзоларидан Раззоқ ота Насимов, Камолддин ота Умиров, қов, агроном Қолдор Ишоновлар билан бирга колхознинг «Коммунизм» участкасига йўл олдилар. Негадир, экин олдидан бўлиб ўтган халқ назоратчилари йиғилишида, уларга ана шу участкада экиннинг сифатли ўтказилишини таъминлаш, текшириб туриш топширилган.

Улар дастлаб Мирали Ҳасановнинг звеноси далалирини кўздан кечира бошладилар. Звенога 45 гектар ер биринтирилган. Ҳар гектардан 27 центнердан ҳосил олишга шартлашган. Звено аъзолари бу аҳднинг улдасидан чиниш учун баракали меҳнат қилдилар. Ҳозир ҳам ишнинг бориши ёмон эмас. Агрегатлар соз ишлаб турибди, чигит сифатли экинмоқда.



Лекин... Халқ назоратчилари, уёқ-бўёқни кўздан кечиришган, звено бошлигидан ўпналашди. Бурчан ерлар ҳисобига салкам бир гектарга яқин экин майдонини чигит ташланмасдан қўлиб кетибди.

— Нега бундай бўлди, — деб сўради халқ назоратчиси Аҳмаджан Делимов.

Мирали бироз сукот сақлаб тургач:

— Сув чиқаришда қийналиб қоларминкииз деганим, — дудмаллик билан жавоб берди. — Ундан кейин бундай қийиқ ерларга транторнинг иришини ҳам осон эмас.

Гапга отахонлар аралашди. Но-тўғри ўйлабсан углим, деб айтишди улар. Утган йил худди шу ерларга чигит экинганлигини, сув яхши чиққанлигини ўз кўзим билан кўрганмииз. Агротехном ҳам отанинг гапларини тасдиқладилар.

Мирали айбини тан олдидан бошқа милок топа олмади. Халқ назоратчилари намчиликни кўрсатибгина қолмадилар. Уша захоти агрегатлар шайлалиб, чигит экинлишига буйроқ берилди.

Сўнгра улар Турғун Юнусов звеноси даласига йўл олдилар. Бунинг қарангич, бу звенода ҳам қарангич этак томонидан тахминан 15 сотихга яқин ер қўлиб кетибди. Сабанини сўрашган эди, Турғун: «Сўрилиб, ориқлаб қолган, бу ерларга чигит экинган билан барибир ҳосил бўлмайдми» деган гапни айтди.

— Бу баҳонангизга зорин йўқ, — деб айтишди халқ назоратчи.

Халқ назоратчилари хўжалиқнинг бошқа соҳаларида ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Жумабой Кўчировани йўналиш колхоздан 40 километр нарида жойлашган қўйлар отарида учратасиз. Яқин олда салкам беш мингга яқин совлиқ бор. Ҳар юз совлиқдан, кам деганда юзтадан қўзи олиш учун кураш бормоқда. Жумабой бу ишнинг қандай бораётганлигидан доимо кўз-қулоқ бўлиб турибди.

Жонқуярлардан яна бири Абдували Зибев эса сазовотчиликна биринтиб қўйилган. У қарам, помидор ва бошқа сазовот экин-лирини сифатли экиб олишда эдиқолларга нўманлашди.

Иньом Утаев сут товар фермасидаги ишлар учун жавоб беради. Фермада 210 соғин сиғир бор. Улардан ҳар кунини кўлаб ет-соғиб олинапти. Инъом ҳар ҳафтанинг бир кунини фермага ажратган. Уша кунини эрталаб ва кеч-

ирун соғиладиган сутларнинг миқдори ва сифатини текширишдан ўтказилади.

Хуллас, колхознинг хушёр, сезгир назоратчилари кўздан ҳеч нарса ноқиб кутинла олмади. 21 халқ назоратчиси доимо ўз постида. Улар топширилган ишни аъло даражада бажариш билан йўқ назоратчиларини ҳам ўрнига қўймоқдалар. Р. Ханимбоев, Ш. Худайбердиева, М. Одилов, Ж. Кўчиров ваби назоратчилар, айниқса, намунали иш олиб бормоқдалар. Улар колхоз правленеисига ва партия ташкилотига яқиндан кўмак бериб, пахта ва бошқа иш-лоқ хўжалик махсулотлари етиштириш юзасидан эиммага олинган юбилей йили манбуриятининг шарофат билан бажарилишини таъминлабдилар.

Н. РИХСИЕВ.

ХАЛҚ МУЛКИНИНГ ПОСБОНЛАРИ

Утган йил ноябрь ойининг охирида «Гавташкентстрой» партия комитетининг пленуми халқ контролига партия раҳбарлигини кўчайтириш масаласини муҳокама қилган эди. Пленум қабул қилган қарорини барча гуруҳ ва постларда ишлаб чиқилди. Ишчи яхшиланган қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Трестнинг партия ташкилотининг бевосита раҳбарлиги, ёрдами тўғрисида ишларимиз юришти кетди. Пленумдан кейинги 6 ой мобайнида қурлиш механизмидаги умумий фойдаланиш, бинокорлик материалларини сақлаш ва уни тежаб-тергаб сарфлаш, бажариш ишлар ҳажминини тўғри ҳисоб-китоб қилишга қаратилган 20 дан ортиқ текширув ўтказилди. Бундан юздан ортиқ халқ мулкининг посбонлари — назоратчилар иштирок этдилар.

Партия ташкилоти бизнинг қанчизда яхши гамхўрлик қилапти. Партия бюроси вақти-вақти билан ахборотимизни тинглаб, йўл-йўриқлар кўрсатиб туради. Халқ назоратчиларининг семинарларини биргаллашиб ўтказишди. Биз йил бошидан бери икки марта назоратчилар семинарини ўтказдик.

КИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

САЊАТКОРЛАР ДАЛАДА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат филармонияси ва эстрадасининг бир гуруҳи санъаткорлари областимиз далалари бўйлаб бир неча кун гастролда бўлишди. Республикада хизмат кўрсатган артист Муҳаммадҷон Мирзаев раҳбарлигидаги 15 кишилик санъаткорлар гуруҳи, Дўрмон, Қиёрай кишлоқларида, Янгийўл ва Катиния район хўжаликларид бўлиб, маданият хизмат кўрсатишди. Э. Мирзахудова, У. Мадрохимов, С. Толибхоннова, К. Отабев, С. Нўлдошев, Э. Қодиров ва бошқалар ижро этган тирив ҳамда шўх кўшиқлар ва куйлар ҳаммага манзур бўлди.

Муқимий номли музикали драма ва комедия театри санъаткорлари эса Юқори Чирчиқдаги Янгибозор, Қавардон, Интернационал кишлоқларида бир неча концерт кўрсатишди. А. Абдурахмонов, Х. Умаров, Г. Якубова, Т. Назарова, А. Мирзаева ва бошқалар ижро этган кўшиқлар пахтакорларга манзур бўлди.

И. КАТАЕВ, Э. ИСХОҚОВ, БАЙРАМ ВАХТАСИДА

2-«Оҳангарон» совхозида А. Висленцева ва Л. Гринёваларини ҳамма хурмат қилади. Хўжаликда бирон киши йўқми, бу икки дугонга мурожат қилган бўлсин.

Қишлоқ совхозда алоқачи бўлиб ишлашди. Ўз касбининг

жонқурларни бўлган бу икки дугона кишилар билан доимо самийий муносабатда бўлади, улар учун астойдил хизмат қилишди.

А. Висленцева билан Л. Гринёвалар ҳар куни неча юзлаб кишиларга муомала қилади. Бўи вақтларида эса почтачи-ларга яқинда кўллашди. Икки дугона шу кунларда меҳнат вахтасида туриб, Май байрамининг мубокиб соғвалар билан кутиб олшга ҳаракат қилмоқдалар.

Н. МАСИДҚОВ, ҚИШЛОҚДА ҚУРИЛИШЛАР

Бўкадаги колхозлараро қуриб ташкилотчи ишчи ва хизматчилар меҳнат вахтасида туриб ишлаб бир неча бинони қуриб чиқаришди. Ҳамма номли колхозда мияг тонна галла ва минерал ўғитлар сақлайдиган омборхона қуриб бўлди. Шу хўжаликда ва «Ленин йўли» колхозида иккита кўпқаватли мактаб биноси қад кўтарилди.

С. ШАРОФХОНОВ.



Суратларда: (чапда) Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи ходимлари паркин мавсумга тайёрламоқдалар. Бу ерда сўнги ишлар бажарилаётган. Янги мавсумга янги фонга қурилади. В. И. Ленин бюсти ўрнатилди, эстрада театри қайтадан яхшиланди. (Ўртада) Луначарское шосседа 5 та кўп қаватли бино фойдаланишга топширилади. Сиз ана шу биноларнинг бирини кўриб турибсиз. (Чапда) Ленин номидаги пионерлар саройи ҳузурда «Интернационал дўстлик клуби» ишлаб турибди. Клуб аъзолари Руминия, Болгария, ГДР, Польша ва бошқа мамлакат пионерлари билан хат ёзиб туришди.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ

ҚЎШИНЛАРИГА БУЙРУҚ

1967 йил, № 26 Тошкент шаҳри
1967 йил 1 МАЙ ПАРАДИ ТУҒРИСИДА

§ 1
1967 йил 1 Май куни меҳнат-қашларнинг Халқаро бирдмалги кунда Тошкент шаҳрида эрталаб соат 9 да В. И. Ленин номли майдонда Тошкент гарнизони қўшинларининг паради бўлади.

Парадди Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг Қўмондон генерал-полковник Н. Г. ЛЯШЧЕНКО қабул қилади.

Қўшинлар парадида қўмондонлик қилиш менга топширилади.

§ 2
Қисм командирлари лийнейлар юбориб, қўшинларни тасдиқланган расмёт бўйича белгиланган вақтда парадада олиб чиқарилади. Кийим формаси — ёзги парад кийими.

§ 3
Артиллерия салюти менинг кўрсатмаларимга мувофиқ берилсин.

§ 4
Ленин номли майдонда тартиб сақлаш бўйича умумий раҳбарликни Тошкент шаҳар гарнизони командантининг ўринбосари, майор И. А. НАКЛЕСКИН зиммасига топшираман.

Тошкент гарнизонининг бошлиги ТуркВО қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, генерал-лейтенант Л. БАУКОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 1967 ЙИЛ 1 МАЙ МЕҲНАТҚАШЛАР НАМОЙИШИ ТУҒРИСИДА

1967 йил 1 Май, меҳнатқашларнинг халқаро байрами кунда қўшинлар парадида сўнг Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнатқашлар вакилларининг намоийши бўлади.

Намоийш эрталаб соат 10 да бошланади.

Намоийшда қатнашадиган меҳнатқашлар вакиллари корхоналар, муассасалар бўйича ўз йилгиш жойларига тўланиб, ташкилий равишда белгиланган маршрутлар бўйича район колонналарида Ленин номли майдонга борадилар.

Рухсатномалари бўлган граждандар рухсатномаларида курсатилган пунктлар бўйича соат 8.45 минутгача Ленин номли майдонга кирдиладар.

Автомашиналар маҳсус рухсатномалар бўйича соат 8 у 45 минутгача Ўзбекистон ва Абдулла Тўқев номли кўчалардан майдонга киритилди.

ШАҲАР 1 МАЙ КОМИССИЯСИ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Мамлакатлар ОДАМЛАР Воқеалари

КОСМОНАВТ ҚАҲРАМОН ХОТИРАСИ

ПАРИЖ, 27 апрель. (ТАСС). Трапп шаҳрининг мэри Бернгард Юго Франциядаги Совет элчихонасига келиб, ҳалок бўлган қаҳрамон В. М. Комаров оиласига ўзининг таъзиясини билдиришни илтимос қилди ва Париж қиёндаги шу шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига космонавт В. М. Комаров номи қўйилганини айтди.

«ЭКСПО-67» ОЧИЛДИ

МОНРЕАЛЬ, 28 апрель. (ТАСС). Кеча Монреалда жаҳон виставаси «Экспо-67» тантанали вазиётада очилди. Бу виставкада энг кўп мамлакат — 62 мамлакат қатнашмоқда. Виставанинг шиори — «одамларнинг ери».

«Экспо-67» виставасининг қатнашчилари орасида Совет Иттифоқи ҳам бор. Совет Иттифонининг виставкадаги павильонини энг катта павильонларнинг бири бўлиб, ҳамма бу павильонда экспонатлар жуда кўпчилигига қойил қолмоқда. Павильонга қўйилган экспонатлар жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг 50-йил ичда босиб ўтган йўлини виставани келиб кўрувчиларга хитоб қилиб беради.

Виставка олти ой давом этади.

АГРЕССИЯ ТҲТАТИЛСИН!

ХАНОЙ. Америка авиацияси Ханойдаги граждандар аэропортини ва Хайфон портининг территориясини бомбардирмон қилгандаги ҳақиқатни «Вьетнамга эозднинг», «Йўлсиз Америка агрессорлари» деб қайта-қайта хитоб қилишди.

МЕХИКО. Вьетнам билан бирдамлик Мексика номинети бае, но эълон қилиб, Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳарлари ва манзилгоҳларини Америка авиацияси бомбардирмон қилишнинг кучайтириб юборганига қарши АКШ ҳукумати га қаттиқ норозилик билдириди. Бу агрессия ҳаракатлар, дейилди баёнота, халқларо азиятини тилин ҳам кўпроқ кескинлаштирди ва жаҳон урушини яқинлаштирди.

РИМ. «Вьетнамда тинчлик бўлиши» деган шiori остида бу ерда оммавий намоийш ўтказилди. Италия бирлашган социалистик партияси — Италия социал-демократик партиясидаги социалистлар



ТАСС телефотоси.

МАНОЛИС ГЛЕЗОС УЛИМ ХАВФИ ОСТИДА

БЕЛГРАД, 28 апрель. (ТАСС). Таиоғ агентлиги хабар беради: Афинадан олинган хабарларга қараганда, бирлашган демократик сўл партия (Эда) ижроия комитетининг аъзоси, фашизмга қарши танқид қурашчи, Грециядаги қаршилик ҳаракатининг кўзга қўрилган аъзоси, фашизмга қарши Афина агрополига ўриятган байроғини олиб ташлаган киши — Манолис Глезосни Греция ҳарбий суди ўлим жаосига ҳукм қилган.

Таиоғ агентлигининг хабарига айтилишича, ҳукм бугун эрталаб соат 8 да ижро этилиши лозим.

МАҲФИЙ ЙҮЛДОШ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 27 апрель. (ТАСС). Бугун ҳарбий ҳаво кучларининг Вајценберг (Калифорния штати) базисидан кўтб орбитасига навабдаги маҳфий йўлдош учирилди. Йўлдош учирин учун «Титан-3В» ракета системасидан фойдаланди. Ана шундай йўлдошларга нисбатан, ошадгай практикага мувофиқ, уни учирин ҳақидаги бошқа тафсилотлар хабар қилинмайд.

АҚШДА ЯНА ЕР ОСТИ ПОРТЛАШ УТҚАЗИЛДИ

ВАШИНГТОН. АҚШ бу йил Невада штатидаги полигонда тўқтинчи марта ер ости атом портлашини ўтказди.

ОҚ УИДА КЕНГАШ

ВАШИНГТОН, 28 апрель. (ТАСС). Президент Жоносон бугун Оқ уйда Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларининг қўмондон генерал Уэстморленд билан бир соатдан кўпроқ масала ҳақида суҳбат қилди. Бу суҳбатда лавлат секретари Ракс, мудофаа министри Макнамара, штаблар бошлиқлари бирлашган комитетининг раиси генерал Уилер, давлат секретарининг ўринбосари Катценбах, мудофаа министрининг ўринбосари Вонс, президент ёрдамчиси Комер, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Кристиан ҳозир бўлилар.

Президент Жоносон ҳамда унинг ҳарбий ва дипломатик ишлари билан шуғулланувчи энг яқин маслаҳатчилари Вьетнамдаги аҳволи муҳоама қилишди.

Сиз кўриб турган бу суратни Американинг Ассошиэтед Пресс агентлиги мухбири Жанубий Вьетнамда олган. АҚШ денгиз пилда қўшинлари солдат «шўбха қилинган» янги вьетнамлик олиб кетилди. Соңин расмга туша туриб, куйилди. Кўрсаткиш ишлар билан мурашиш осон.

ТАСС телефотоси.

БОНИ АТОМЧИЛАРИ ИШГА КИРИШДИ

Ҳозирги вақтда атом қуролини тарбиятлашнинг туғрисида халқаро билим тузишга тайёрлик қуришмоқда Германия Федератив Республикасининг маҳаллий матбуотининг эътироф қилишича, ана шу битимга қарши аж олдириб юборилган пропаганда кампанияси Федератив республика ташкил топганидан бун ҳеч қачон ҳозиргидек шиддатли тус олмаган эди. Женева битимининг принциплари ва тафсилотлар туғрисида музокарада олиб борилаётган бир пайтда Бонн пропагандистлари бу битимнинг моддалари Германия Федератив Республикасининг «тинчлик мақсадлари»ни кўзда тутган атом экономикасини ривожлантиришга ҳалақит берувчи «ғов» деб даъво қилмоқдалар.

Ҳарбий Германияда атом саноати ва атом тадқиқотлари бошқарини соҳасида ҳамма ишларни давлат ўз қўлига олган. Боннда бу соҳага жуда катта аҳамият берилаётганини, атом экономикасини давлат назоратида сақлаш, бу экономикани муайян бир максимид қўлаб бошқариш, шунингдек олиб борилаётган ишларни таномилла сир сақлаш зарурлиги бунга сабаб бўлса эди. Миллий тадқиқот ишлари министрлиги воситаси билан атом экономикаси раҳбарлик қилинмоқда. Бу министрлик ҳали яқиндагина атом масалалари билан шуғулланувчи министрлик деб аталар эди. 1962 йилда ракета тадқиқотлари раҳбарлик қилиш ҳам министрлик зиммасига юкланганидан кейин у қайтадан ташкил этилди.

Зарурат бўлиб қолганда ракета-ядро қуролини ишлаб чиқариш учун ҳам фойдаланиш мумкин бўлган маркалаштирилган аппаратини тузилиши Ҳарбий Германияда ҳукмрон бўлган капиталистик монополияларнинг манфаатларини кўзда тутди. Ана шу монополияларнинг вакиллари бу аппарат раҳбарлик қилишда бевосита қатнашмоқдалар. Масалан, министрлик атом комиссиясининг 25 аъзосидан тўқтинчиси аини вақтда немис саноати иттифоқининг атом комитетида ҳам аъзолидир. Бу комитет аслида Ҳарбий Германия монополиястик капиталистик баш штабидан бошқа бир нарсаси эмас. Вилгелм Менне комиссияга ҳам, комитетга ҳам раҳбарлик қилади. У немис саноати иттифонининг президентининг ўринбосари ва энг яқин «Хехст» химия концернининг раҳбарларидан биридир. Крупп концернининг собиқ директори Герхард Штольтенберг илмий-тадқиқот ишлари министрлигига раҳбарлик қилаётган.

Бонн ҳукумати атом ва ракета тадқиқотлари яқинда йилга кўпроқ мазлағ сарф қилаётган. Масалан, Штольтенбергининг айтишича, 1966 йилда Германия Федератив Республикасининг «атом бюджети» қарийб 430 миллион маркани ташкил этган, бу йил эса, ана шу бюджет ярим миллиард маркадан ҳам ошиб кетди. «Космос соҳаси»даги тадқиқотларга бўлган харажатлар шу давр ичда 230 миллион маркадан 280 миллион марказга кўнади. Ҳукуматнинг расмий маълумотларига қараганда, 10 йил ичда атом тадқиқотлари га 4,3 миллиард марка сарфланган. Бундан ташқари, Бонн давлат илмийни Ғи йил ичда атом тадқиқотлари ва атом саноати туғридаги маълумотларга қараганда, 1966 йилда Германия Федератив Республикасининг атом тадқиқотлари учун машина ускуналар ишлаб чиқаришда қатнашадиган 300 дан ортиқ хусусий корхонани рағбатлантириш ва қўлаб қувватлаш мақсадида қарийб 6,7 миллиард марка ажратди. Булар орасида Тиссен, ДеҒусс, Демг, Сименс, АЭГ ва Ман корхоналари бор.

Германия Демократик Республикасида ҳали яқиндагина босиб чиқарилган «Кул ранг китобда» келтирилган маълумотларга қараганда, Германия Федератив Республикасида атом тадқиқотлари асосан бешта илмий марказда:

1. Карлсруэдаги атом тадқиқотлари марказида;
2. Кельн яқинидаги Юлих ядро тадқиқотлари лабораторияларида;
3. Мюнхен яқинидаги Гархин плазма физикаси институтида;
4. Мюнхендаги «нур тадқиқотлари маркази»да;
5. Гамбургдаги «немаозлик ва кемалчилик ядро энергиядан фойдаланиш жамияти»да олиб бориламоқда.

Чет эл матбуотининг фикрича, Ҳарбий Германиядаги атомчи мухтассислар аинча катта муваффақиятлар эришганлар. Масалан, Францияда чиқарилад «Жомба» газетасининг ёзишича, Федератив республикада «жаҳонда энг янги атом двигатели нема» ишлаб чиқарилган (бу тема яқинда Кидада сувага туширилди ва йил охирида сувага денгизга чиқарилади). Юлихда «жаҳонда энг кучли деб ҳисобланган реактор» қурилган ва «жаҳонда изотопларни парчаловчи энг оригинал усул» ишлаб чиқилган... Газеталарнинг фикрича, Германия Федератив Республикасини эришган бундай жаҳоншумул муваффақиятларининг рўйхати бу билан тамом бўлмайд.

«Ухулас», — деб хулоса чиқаради газета, — ҳозирги кунда Ҳарбий Германиянинг атом саноати Европада (Ҳарбий Европада) биринчи ўринда турибди. Бу саноат яқин келгусида энг муҳим соҳада — ядро реакторларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш соҳасида Американинг атом саноати билан тенглишиб олади... (эълон қилинган маълумотларга қараганда, ҳозирнинг ўиндаёқ Германия Федератив Республикасида 35 атом реактори ишлаб турибди еки қуриляпти).

Матбуотнинг бошқа органлари Мюнхен яқинидаги плазма физикаси институтининг муваффақиятлари туғрисида хабар бериладар. Бу институтида ядро реакцилари йўли билан «кўшдан ҳам иссиқроқ сувиқ нур» ҳосил қилинмоқда. Институт маълумотининг айтишича, бу соҳадаги тақриблар водород бомбасини исонга бўйсундириш ва уни элетр станциясига айлантириш имкониини беради.

Ҳукумат доиралари ҳам атомчи мухтассисларнинг ишига катта баҳо бораптилар. Масалан, илмий тадқиқот ишлари министрлиги Штольтенберг яқинда «герман атом комиссиясининг Ғи йиллик юбилейи муносабати билан сузлаган нутқида Германия Федератив Республикасида атом соҳасидаги тадқиқотлар ва атом техникаси «халқаро» савияда турибди, деди. «Парчаллаб юборувчи реакторлар устида ишлаётган олимлар, — деб таъкидлади у, — жаҳондаги энг яқин олимлар қаторига киряди».

ФУТБОЛ ҲУЖУМЧИЛАР ПАССИВ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИНИНГ НАВБАТДАГИ 6-ТУРИДА 11 ТА ТЎП КИРИТИЛДИ.

«Пахтакор» Ереванда 0:1 ҳисобида маҳаллий «Арарат»дан енгилди. Ягона тўпни 65-минутда Галстян киритди. Бу мағлубият команданисини уч поғона пастга тушириб юборди.

Бир неча марта мамлакат чемпиони бўлган ва фахрли Кубокни қўлга киритган Москванинг «Спартак» командаси яна енгилди. Бу сафар улар ҳаммаҳарлик темир-йўлчилардан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Қолган учрашувлар қўйидаги натижаалар билан туғад:

«Динамо» (Минск) — «Торпедо» (Кутаиси) 0:0, «Черноморец» — СКА (Ростов) — 0:1, «Динамо» (Киев) — «Шахтер» (Донецк) 3:0 «Крилья Советов» — «Заря» 1:1, «Нефтяник» — «Қайрат» — 2:0, «Зенит» — «Динамо» (Тбилиси) 0:1.

Олти турдан кейин командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў	Т	О
«Динамо» Ми.	6	9-3	8
«Динамо» К.	6	7-3	8
СКА Р-Д	6	6-4	8
«Динамо» М.	4	7-2	7
«Нефтяник» В.	6	7-4	7
«Пахтакор»	6	6-3	7
«Динамо» Тб.	6	5-4	7
«Шахтер» Д.	6	7-9	7
ЦСКА	5	5-3	6
«Заря»	5	3-2	6
«Торпедо» Кт.	6	3-4	6
«Торпедо» М.	4	3-1	5
«Арарат»	6	3-4	5
«Крилья Советов»	6	1-2	5
«Локомотив»	5	3-5	4
«Қайрат»	6	3-8	3
«Черноморец»	6	3-9	3
«Спартак»	5	1-4	2
«Зенит»	6	3-11	2

Эслатма: кеча Москванинг «Динамо» ва «Торпедо» командалари ўртасида бўлиб ўтган ўйин натижаси ҳисобга олинмаган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 16.55 — Шитти-ринглар программаси, 17.00 — Телевизион кўнғуч театри, 17.35 — Она шаҳрим — Тошкентини («Ш.лин» студияси).

18.15 — Телевизион янгиликлар (рус тилида).

18.25 — Тошкент байрам арафасида, 18.50 — Телевизион бадий фильм.

19.50 дан — Москва курсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 16.55 — Шитти-ринглар программаси, 17.00 — Тлапа, Липа ва янги ҳақида (болалар учун кинофильм), 17.30 — Шоира — болаларга (болалар учун), 17.40 — Телевизион янгиликлар, 17.50 — XIV Умумузеб

КИНО

Унутма... Луговая станцияси — «ДРУЖБА» (1-эълда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 5 да).

Ҳаммаси ёнимда, Ричард — «МИР», «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечкурун), САЊАТ САРОИИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Уни яқин билар эдим — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (3-эълда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).

Йулбарс кўрғани — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Жаноби олиё офицерлари — НАВОИЙ НОМИ, СОВИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечкурун).

Кеча, бугун, эртала — «ВОС-ТОК» (кундуз ва кечкурун).

Кавказ асираси — САЊАТ САРОИИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/IV да Г. М. майлованинڭ имодий нечаси, 30/IV да Спартак.

ҲАМЗА НОМИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IV да Сунги қурбон, 30/IV да Урирланган умр, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастрол ва Ҳиндистон филарни артистларининг давоми.

Киз ва тинсоҳ — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ХАМЗА НОМИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМЗА ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

29 апрель ва 7 майда
А. Н. Островский асар, В. Руминтов таринмаси

СУНГИ ҚУРБОН

3 пардали комедия Сахналаштирувчи — РСФСР да хизмат кўрсатган санъат ар-обоби В. Н. Власов.
Релиссёр — Н. Отабев.
Расоом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. А. Рифтин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмаханаси, Тошкент шаҳри.
Р. 00886. Индекс 64970 А — 1848.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

30 апрель, 1 ва 2 майда

КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Москва цирки артистлари иштироки эъландар.
Ҳиндистон филлари аттракциони.

Филларини ўргатувчи — Анатолий Корнилов.

Пиланда — Евгений Тимонов.
30 апрель ва 2 майда томошалар мундуз соат 12, 3 ва кеч 7 да, 1 майда мундуз 2, 4 ва кеч 7 яримда бошланади.

Вилетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб илмий учун азиявлар қабул қилинади. Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайд.